



**ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН
МУҲИТДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

и.ф.д., проф. **Иватов Ирисбек**
Тошкент амалий фанлар университети
ORCID: 0009-0007-5882-110X
irisbek1204@mail.ru

Аннотация. Мақолада туризмнинг инновацион ривожланиши шароитида содир бўлаётган ўзгаришларнинг туризм салоҳиятига таъсирии, сифатли хизмат кўрсатиш негизида баҳолаш масалалари қўринган бўлиб, туризмда туристик фаолиятни баҳолаш механизми ўрганилган. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туризм соҳаларининг инновацион ўзига хос хусусиятлари асосида туризмнинг мақбул ривожланишига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: туризм, инновацион ривожланиш, туризм салоҳияти, сифатли хизмат, баҳолаш жараёнлари, туристик фаолият, баҳолаш механизми, иқтисодиётни модернизациялаш, туризм соҳалари, туризмнинг мақбул ривожланиши.

**ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ СРЕДЫ В РАЗВИТИИ СФЕРЫ
ТУРИЗМА**

д.э.н., проф. **Иватов Ирисбек**
Ташкентский университет прикладных наук

Аннотация. В статье рассматривается влияние изменений на туристический потенциал, происходящих в условиях инновационного развития туризма, изучаются вопросы оценки на основе предоставления качественных услуг, механизм оценки туристической деятельности в сфере туризма. В контексте модернизации экономики особое внимание уделяется оптимальному развитию туризма с учетом инновационных особенностей туристической сферы.

Ключевые слова: туризм, инновационное развитие, туристический потенциал, качественный сервис, процессы оценки, туристическая деятельность, механизм оценки, модернизация экономики, сферы туризма, оптимальное развитие туризма.

**OPPORTUNITIES OF USING AN INNOVATIVE ENVIRONMENT IN DEVELOPING THE
TOURISM SECTOR**

DSc, prof. **Ivatov Irisbek**
Tashkent University of Applied Sciences

Abstract. The article examines the impact of changes on the tourism potential occurring in the context of innovative tourism development, studies issues of assessment based on the provision of quality services, the mechanism for assessing tourism activities in the tourism sector. In the context of economic modernization, special attention is paid to the optimal development of tourism, taking into account the innovative features of the tourism sector.

Keywords: tourism, innovative development, tourism potential, quality service, assessment processes, tourism activities, assessment mechanism, modernization of the economy, tourism, optimal development of tourism.

Кириш.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарали Инновацион фаолиятга ҳар томонлама боғлиқ бўлмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда ва унинг туризм салоҳияти юқори бўлган минтиқаларида ҳам туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда ушбу йўналиш истиқболли соҳа, шунингдек аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишдаги асосий ҳамда муҳим бўлган йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Буларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиз туристик салоҳиятидан унумли фойдаланиш, хорижий туристларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш бўйича катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон туризмида Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини тадқиқ қилиш асосида бир қатор илмий-амалий натижалар олинган. Жумладан, туризмнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини ошириш, хавфсиз туризмни ташкил қилиш, соҳада оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Туризм соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, соҳага хос бўлган иқтисодий муносабатларнинг назарий ва амалий масалалари, туризмда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг амалий муаммолари ва алоҳида масалалари тўғрисида кўпгина чет эл ва мамлакатимиз олимлари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДҲ олимларидан Александрова (2001) туризм соҳасини барқарор ривожлантириш учун нафақат туризм соҳаси билан биргалиқда турдош тармоқлар, ташкилотлар ва кўплаб корхоналарни ўзаро алоқалари моделида давлатнинг роли хусусий, ташкилий, ижтимоий ва давлат тузилмалари учун қулай институционал иқлим ва инфратузулма яратиш ҳамда инновацион фаолият учун зарур бўлган стратегик йўналишлардаги технологиялар мажмуасини, кадрлар салоҳиятини оширишга кўмаклашишдан иборатлигига эътибо қаратилган.

Жукованинг (2006) тадқиқотларида туризм соҳаси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш, уларнинг бозор талабларига жавоб берадиган мажмуавий ечимларини топиш ва амалиётга самарали жорий этиш бугунги куннинг, айниқса, истиқболда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг стратегик аҳамиятга эга ўта долзарб масалаларидан бири сифатида қаралиб, туризм соҳасини барқарор ривожланиши жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида илмий хулосалар олинган.

Кабушкин (2002) туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг нафақат мамлакат иқтисодий юксалиши, балки ундаги ижтимоий жараёнларни такомиллаштиришдаги роли ҳам узлуксиз тарзда ошиб бораётганлиги, ушбу соҳа мамлакат иқтисодий салоҳияти ва қудратини жаҳон миқёсига қўтараётган ва айни бир пайтда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини шакллантиришда фаол иштирок этаётган ҳамда уни оширишда юқори самара бераётган соҳа эканлиги масалаларига эътиборини қаратади. Худди шу каби фикр-мулоҳазалар Кабушкин (2002), Квартальнов (1998), Кусков ва Джалалян (2011) кабиларнинг илмий асарлари ва тадқиқотларида ўз аксини топган.

Туризм соҳаларининг Инновацион ўзига хос хусусиятлари асосида туризм соҳасини ташкил этишнинг илмий-услубий асослари ва иқтисодий жиҳатлари ва Республикализ иқтисодиётининг барқарор ривожланишида туризм индустриясини ривожланиши ва такомиллашишининг назарий ва амалий муаммолари мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам олиб борилган. Хусусан, Тухлиев ва Абдуллаевалар Ўзбекистонда туризм соҳасини рақобатли бозор асосида ривожланишини таъмин этиш, унинг инфратузилмасини замонавий даражага етказиш ва юқори даражадаги хизмат кўрсатиш маданиятини амалга ошириш, замонавий туристик комплекслар бунёд этиш каби жараёнларни ривожлантиришга эътиборни қаратишади(2006).

Сафаров (2016) туизм хизматларини халқаро стандартларга мослаш, хорижий инвестицияни жалб қилиш, жаҳон бозорида талаб катта бўлган халқаро маршрутларни йўлга қўйиш мақсадида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиши масалаларига ўз эътиборларини қаратишган. Алимова (2017), Эштаев (2011) олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра миллий туризм соҳасининг барқарор ривожланишига иқтисодий ва ижтимоий омиллар бевосита таъсир қилиши ва уларнинг таркиби ҳар доим ўзгариб туриши кўрсатиб берилган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари туризм соҳасини ривожлантириш стратегик йўналишларини аниқлаш, жаҳон туристик хизматлари бозорига миллий турмаҳсулотларни мослаштириш, туризм хўжалиги соҳасининг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қиласди. Аммо мазкур тадқиқотларда туризм тармоғига инновацияларни жорий этиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган ва мос равишда ушбу муаммога бағишлиланган адабиётлар ҳам кам нашр қилинган. Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилиш зарурати мазкур мақола мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот методологияси.

Мақоланинг методологияси илмий ва тобора оммалашиб бораётган манбаларни таҳлил қилишдан бошлаб, миллий иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар, жумладан, туризм индустриясини ривожлантириш ва унинг салоҳиятидан фойдаланиш механизмлари аҳамияти ва ролини таҳлил қиласди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мақоладаги асосий ғоялар ва натижалар туризм индустриясини ривожлантириш фаолиятини яхшилаш ва такомилластиришга қаратилган йўлланмаларни ишлаб чиқишида услугубий асос ҳисобланиб, муаллифнинг тавсиялари ҳозирги замон маркетинг тамойиллари ва бошқа бозор воситалари асосида туризм бозорини такомиллашган ривожланишига етказиш бўйича назарий ва амалий қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурый шарти Инновацион фаоллик билан белгиланишига қарамасдан, инновацияларни бошқариш миллий иқтисодиётни ташкилий-иктисодий бошқариш механизмининг кам ривожланган қисмларидан бири сифатида булиб қолмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар иқтисодиётни интенсив ривожлантиришга имкон беради, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг жадаллаштирилишини таъминлайди, истеъмолчиларнинг турли хилдаги юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиради (Котлер ва бошқ., 2002).

Халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон хозирда қисқа муддатлар ичида ички ва халқаро бозор учун рақобатбардош воситалар яратиш имкониятига эга булган юқори илмий-техник салоҳиятли, истиқболли соҳаларни яратиш ва фаолиятини амалга ошириш босқичида турибди. Бунинг

натижасида биз миллий Инновацион-инвестиция тизими ривожини ҳамда уни жаҳон илмий-техник тизимиға интеграциясини қўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатимизни иқтисодий ривожланишини янги Инновацион моделига ўтишини таъминлашига асос бўлади (Александрова, 2001).

Инновацион сиёсатни фаоллаштиришда ҳудудларда Инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш лозим бўлиб, бу авваламбор кичик Инновацион корхоналарга ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш учун имтиёзли ижара тўлови, агар инновацион фаолиятдан олинган тушум корхона тушумидан ўрнатилган фоиздан юқори бўлса, вилоят бюджетига тўланадиган фойдадан солиқ ставкасини камайтириш ва бошқаларда акс этиши лозим. Кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш нафақат республика миқёсида, балким ҳудудий бошқарув органлари миқёсида ҳам асосий устувор йўналиш бўлиши лозим.

Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солишининг ташкилий омиллари барча манфаатдор тузилмаларнинг фикрларини ҳисобга олишни таъминлаши ва шу вақтнинг ўзида инновацияни рағбатлантириш бўйича чоралар қабул қилиш учун шароит яратиши лозим. Инновацион сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири рақобатбардошлини ошириш ва шу билан бирга самарали технологиялар ва инновацион механизмларни қўллаш, кадрлар малакасини доимий равишда ошириш ҳамда товар ва маҳсулотларни ички ва жаҳон бозорида олдинги ўринларни эгаллашни таъминлаш ҳисобига одамлар турмуш даражасини ошириш ҳисобланади.

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда туризмни ривожланишининг ўзига хос бўлган ҳусусиятлари бўлиб:

- мамлакатда туризмни ривожлантириш бўйича салоҳият юқорилиги, ҳусусан моддий, маънавий ва маданий ёдгорликларнинг кўплиги ва унинг хорижликлар учун экзотик, экстремал ва янги турларининг турли-туманлиги;

- туризм соҳасини ривожлантиришга хукumat томонидан катта эътибор қаратилаётганлиги ва қўллаб-қувватланаётганлиги ҳамда ҳусусий, давлат-ҳусусий шерикчилик турларининг туристик салоҳияти катта миникаларда жадал ривожланаётганлиги;

- мамлакатдаги иклимат шароити туристларни йил давомида қабул килиш учун мос эканлиги ва турли иклимат шароитга кизикувчан экстремал туристлар учун яхши имкониятлар яратилатганлиги;

- ташриф буюрувчи туристлар учун иклимат шароитларидан келиб чиқиб нисбатан мавсумий тебранишларнинг паст даражадалиги сабабли уларни кенг жалб килиш имкониятлари юқорилиги;

- туристларнинг ёш бўйича таксимоти нисбатан оптималь даражада эканлиги яъни уларнинг катта қисми гайратли, кизикувчан, мобил ва жисмоний-моддий имкониятли ўрта ёшдаги туристлар эканлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Таҳлилий натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиласиган бўлсақ, мамлакатимиз ва унинг миңтақалари туризм истиқболли соҳалардан ҳхисобланади ва ўзига хос бўлган қатор ижобий ҳусусиятларга эга. Ҳусусан, кейинги икки йилдаги ўсиш курсаткичлари соҳада хали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп эканлигини кўрсатса, туристлар оқимининг қатор ўзига хос ҳусусиятлари, айниқса йил бўйича ва ёш бўйича таксимоти, мавсумий тебранишларнинг ҳам унча юқори эмаслиги мамлакатимизда ривожланаётган туризм турларининг хозирги турли ташқи ва ички салбий тебранишларга нисбатан ҳам бардошли ҳамда чидамли эканлигини асосламоқда.

Ўзбекистон диёрида хорижликларни ўзига жалб қиласиган ерлардан бири, бу Шахрисабз бўлиб, унинг тарихий маркази ЮНЕСКО томонидан Жаҳон меъроси умуминсоний қадриятлар рўйхатига киритилгандир. Бу ердаги маданий ва тарихий ёдгорликларнинг бебаҳолигини ва умуминсоний мулкни томоша қилишга қўплар ҳавас қилишади.

Ўзбекистонни ўзига жалб қилувчи жиҳатлари шундаки: биринчидан, унинг 30 фоиздан ортиқ худудида тоғ-ўрмон, текислик, боҳаво жойларнинг борлиги туфайли дам олиш, сайд қилиш мумкин; иккинчидан, Ўзбекистон худудида 5000 мингдан ортиқ меъморчилик ва археологик обьектлар бўлиб, уларнинг 2500 яқини давлат томонидан қўриқланади; учинчидан, кўплаб санъат обьектлари ва музейлари мавжуд бўлиб, туристларнинг фойдаланиши учун ҳам доим имконият етарличадир. Ҳозирги кунда халқаро туристларга Тошкент шахрида 110 та обьектлар, Самарқандда 120 та, Бухорода - 220 та, Хивада 300 дан ортиқ обьектлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, турмаршрутларни Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, умуман Фарғона водийси шаҳарлари ҳисобига ҳам кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Айниқса, Марғилон шахри бўйича «Атлас ва ипак шахри» йўналиши туристлар учун бебаҳо турмаршрут ҳисобланиши мумкин. Бу эса халқаро туризмни ривожлантириш натижасида, туризм тизимининг молиявий кўрсаткичларини яхшиланиш имкониятларини беради.

Туризм соҳасида инвестициялашнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу жиҳатлар аввало қўйилмаларнинг қайтарилемаслик хатари, чунки туристик оқим сезиларсиз ҳисобланган сиёсий ва иқтисодий хатарларга жуда сезгир бўлиб, ушбу хатарлар мамлакат ва туризм бозор конъюнктурасида сиёсий-ижтимоий ўзгаришларга олиб келиши мумкин (Александрова, 2001). Шу боисдан ҳам мазкур соҳада инвестицион жараёнларни ташкил қилишда республика ва махаллий бошқарув органлари томонидан кушимча зарурий кафолатлар берилиши максадга мувофиқдир. Фақатгина давлат, саноат ва туристик тузилмаларнинг ўзаро бирлашуви ва ўзаро манфаатларининг уйгуналашуви орқалигина туризмни самарали ривожлантириш ва худудларнинг иқтисодий салоҳиятини очиб бериш мумкин бўлади.

Бугунги кунда инвестицион жараёнларда давлатнинг роли бир томондан марказлаштирилган (турли даражадаги бюджет маблаглари) ҳамда марказлашмаган (давлат корхоналарининг қарз маблаглари ва хусусий мулк) тартибда давлат капитал қўйилмалари сиёсатини амалга ошириш орқали, иккинчи томондан, давлат инвестицион жараёнларни иқтисодий сиёсат (солик, кредит, амортизация ажратмалари, божхона ва бошқалар) орқали тартибга солиш асосида амалга оширади. Ушбу жараёнларда давлатнинг инвестицион сиёсати инвестициялар оқимининг ўсишини рагбатлантиришга қаратилмоги керак.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, инновациялар иқтисодиётнинг ривожланишига олиб борувчи энг самарали омиллардан бўлиб ҳисобланади. Туризм соҳасини ривожлантириш ва инновацияларни жорий қилишнинг ташкилий-иктисодий механизмларини тадқиқ қилиш натижасида туризм соҳасида рақамлаштириш технологияларидан фойдаланиш, дунё аҳолисини жалб қилишда туризмнинг янги йўналишларини реклама қилиш зарурати асосланган ва ушбу тавсия туризм соҳаси амалиётига жорий қилинмоқда.

Мақолада келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб қўйидаги таклифларни бериш мумкин:

- туристлар учун кўрсатилаётган меҳмонхона хизматларини модернизациялаштириш, уларнинг сифат даражасига эътибор бериш лозим;
- чет элдан келган сайёҳлар учун автомобиль транспортларини вақтинчалик фойдаланиш (аренда) учун беришни йўлга қўйиш;
- шаҳарлараро қатнов қисмларида меҳмонхона, hostel, motel каби турар жойларни қуриш;
- Инновацион рақамили технологиялар орқали маҳсулот ва хизматлар ҳақида электрон альбом, тақдимот ҳамда видео тасвирларни реклама қилиш;
- Республиkaning барча ҳхудудларида замонавий тез ишлайдиган интернет

- тармоқларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- сифатли хизмат кўрсатиши мақсадида меҳмонхоналар ва сайёҳхлик корхоналарининг кадрлар малакасини ошириш;
- туристлар кўп саёҳат қилаётган жойларда VISA карточкалари орқали харид қилишни йўлга қўйиш мақсадида терминалларни ва VISA карточкаларидан нақд пулларни ечиб олиш учун банкоматларни барча худудларда, шу жумладан қишлоқ ва тоғли худудларда ўрнатиш.

Адабиётлар/Литература/References:

- Александрова А.Ю. (2001) *Международный туризм: Учебное пособие для вузов.* - М.: Аспект Пресс, - 464 с.
- Алимова М.Т. (2017) *Худудий туризм бозорининг ривожланиши ҳусусиятлари ва тенденциялари (Самарканд вилояти мисолида): Икт. фан. докт. дисс...* - Самарканд: СамИСИ. - 351 б.
- Жукова М.А. (2006) *Менеджмент в туристском бизнесе: учебное пособие.* - 2-е изд., стер. - М.: КНОРУС, - 193 с.
- Кабушкин Н.И. (2002) *Менеджмент туризма. Учебник.* Мн. Новое знание., 409 -24,6 п.л.
- Квартальнов В.А. (1998) *Туризм: теория и практика: Избранные труды: В 5ти. т. – М.: Финансы и статистика.*
- Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. (2002) *Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание.* – М.: ЮНИТИ – ДАНА, – 1063 с.
- Кусков А.С., Джалаадян Ю.А. (2011) *Туристский бизнес: словарь-справочник.* – М.: ФОРУМ, – 384 с.
- Сафаров Б.Ш. (2016) *Милий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография.* - Тошкент: Фан ва технология, - 184 б.
- Тухлиев Н., Абдуллаева Т. (2006) *Национальные модели развития туризма.* - Т.: Гос.науч. изд-во «Узбекистон миллий энциклопедияси», - 238 б.
- Фармон (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5611-сонли фармони.*
- Фармон (2021) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.*
- Эштаев А.А. (2011) *Туризм индустриясини бошкаришнинг маркетинг стратегияси.* - Т.: «Фан», - 280 б.